# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 18 февраль, № 33 (6216) Чоршанба


# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

иқтисодиётимиз тараққиётини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда



Президентимиз мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, Ўзбекистонда иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришда барқарор юқори суръатларга эришилмоқда.





ИСЛОҲОТ

Хусусан, Жиззах вилояти саноатидаги бундай ўзгаришлар, биринчи навбатда, янги иш ўринларини яратиш, ялпи ҳудудий маҳсулотда соҳанинг улушини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш орқали четдан олиб келинаётган товарлар ҳажмини қисқартиришда ўз аксини топмоқда. Бунда, албатта, вилоятда саноатни ривожлантириш бўйича 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган дастур ижросини таъминлаш мақсадида аниқ ташкилий-амалий тадбирлар рўёбга чиқарилгани ва улар изчил давом эттирилаётгани муҳим омил бўлди.

— Ушбу дастурга мувофиқ, ҳудудимизда ўтган йили умумий қиймати 331,3 млрд. сўмлик 237 та лойиҳа амалга оширилди, — дейди вилоят иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Тоҳир Абдуназаров. — Уларнинг муваффақиятли бажарилишида тижорат банклари томонидан ўз вақтида ажратилган 56,7 млрд. сўмлик кредитлар алоҳида ўрин тутди.

Шуниси диққатга сазоворки, саноатни ривожлантириш бўйича лойиҳалар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларини қамраб олишига эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Жиззах туманидаги "Жиззах жун" масъулияти чекланган жамиятида жунни қайта ишлаш йўлга қўйилиши билан 120 та иш ўрни ташкил этилган бўлса, 1,2 млн. АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига Жиззах шаҳридаги "Қуёш иссиқлик энергияси" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида қуёш батареялари ёрдамида сув иситадиган ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Ғаллаорол туманида лойиҳа қиймати 6,5 млрд. сўмлик масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Наргиза текс" корхонаси фойдаланишга топширилди.

— Корхонамизга хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилгани туфайли йилига 850 минг дона трикотаж маҳсулоти тайёрлаш қувватига эга бўлдик, — дейди унинг раҳбари ўринбосари Беҳзод Акрамов. — Бу юмуш билан 170 нафар ишчи-мутахассис банд. Келгусида эса экспортбоп трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш баробарида, газламалар тайёрлашни ҳам ўзлаштирмоқчимиз.

Маълумотларга қараганда, 2013 йилда вилоятда етиштирилган пахта толасининг, борйўғи, 9 фоизи қайта ишланган эди. Истиқболли лойиҳаларнинг асосий қисми енгил саноатда муваффақиятли амалга оширилаётгани боис бир йил ичида мазкур кўрсаткич 36 фоиздан ошди. Чунончи, "Жиззах пластекс" корхонасида 12 минг тонна, "Рустекс инвест" ва "Фориш текстиль груп" қўшма корхоналарида 3,5 минг тоннадан, "Жиззах кентекс" корхонасида 6,5 минг тонна, жами 25,5 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватлари яратилгач, уларда йилига 20,5 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди.

Айни пайтда "Жиззах пластмасса" АЖнинг бўш турган ер майдони, бино ва иншоотлари негизида саноат зонасини ташкил этиш ва бу ерда 10,8 млрд. сўмлик 18 та лойиҳа ижросини таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрилаяпти.

Хулоса ўрнида айтганда, Жиззах вилоятида саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича дастурнинг рўёби иқтисодиётимиз тараққиётини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

## 29 МАРТ — САЙЛОВ КУНИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқоти доирасида мамлакатимиз ҳудудларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

2-саҳифага қаранг.

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Наманган шаҳридаги "Люкс плюс сервис" масъулияти чекланган жамиятида "Vakkoni" савдо белгиси остида тайёрланаётган 30 турдаги болалар ва катталар костюм-шимлари ташқи бозорда ҳам харидоргир.*

### Экспортчи корхоналар сафи кенгаймоқда

Икки йилдирки, мазкур кичик бизнес субъекти хориждаги улгуржи буюртмачиларга маҳсулот етказиб бермоқда. Хусусан, ўтган йили бу ерда 204,2 минг АҚШ долларилик экспорт амалиёти бажарилди. Эришилган натижа 2013 йилдагига нисбатан икки ярим баробар кўп бўлиб, бу наманганлик чеварлар тайёрлаган бежирим либосларнинг сифати ва дизайни чет эллик харидорларга ҳам манзур бўлаётганидан далолатдир.

Эътиборлиси, бу сингари корхоналар саъй-ҳаракати билан вилоят экспорт салоҳияти муттасил ортиб бораётир. Жумладан, якунланган йилнинг ўзида 146,2 миллион АҚШ долларилик маҳсулот ташқи бозорга чиқарилиб, олдинги йилдагига нисбатан 30 фоиз ўсишга эришилди. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар сони эса 36 тага кўпайиб, 148 тага етди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Иш жараёни компьютер хотирасига киритилади

*Навоий кон-металлургия комбинатида мавжуд юк ташиш транспортларига навигация технологияларини жорий этиш орқали иш самарадорлигини оширишга эришилмоқда.*

Эътиборлиси, мазкур тизим сунъий йўлдош радиотўлқинлари орқали объект координатларини юқори даражада аниқлаш ва компьютер хотирасида сақлаш имконини бераяпти. Шунингдек, конни қазиб олиш ҳамда рудаларни қайта ишлаш цехларига ташишда юзага келадиган баъзи муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишда бир қатор қулайликлар яратмоқда.

— Биргина "Мурунтов" конида кунига олтмишдан ортиқ қудратли транспорт воситалари хизматидан фойдаланилади, — дейди кон бошқармаси бош муҳандиси вазифасини бажарувчи Жасурбек Исматов. — Уларнинг ҳаракатланиши, ёнилғи сарфи ва қанча юк ташиши электрон маълумотлар кўринишида компьютер хотирасига киритилади. Бу эса иш жараёнини доимий равишда таҳлил қилиб боришимизда асқатмоқда. Қолаверса, ёнилғи-мойлаш материалларини ҳам тежашга муваффақ бўлаяпмиз.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қурилиш саноатида кенг қўлланилади

*Ўзбекистон туманидаги "Азия эксален" қўшма корхонасида қурилиш саноатида кенг қўлланиладиган электродлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

Эътиборлиси, туманда илк бор ўзлаштирилган ушбу маҳсулот сифати ва фойдаланишда қулайлиги билан бунёдкорлик соҳасида фаолият юритувчи жамоаларга маъқул келмоқда. Мазкур лойиҳа рўёби учун хорижлик сармоядорлар томонидан 200 минг АҚШ доллари ҳажмида инвестиция киритилди.

— Ҳудудимиз қурилиш хом ашёларига бой, — дейди жамоа раҳбари Х. Абдуллаев. — Шунинг учун ҳам бу соҳа туманимизда жадал ривожланаяпти. Корхона ишга тушиши билан 20 кишининг доимий бандлиги таъминланди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тежамкорлик тўрт баробар юқори

*Маълумки, қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик усул — трихограмма, олтинкўз ва бракон ҳашаротларидан кенг фойдаланилади.*

Бироқ уни етказиб бериш соҳа ходимларидан кўп меҳнат ва катта миқдорда маблағ талаб қиларди. Яқинда Оролбўйида бу борада янги усул амалиётга татбиқ этилгач, сарф-харажатларни тўрт баробар қисқартириш имконияти юзага келди.

— Илгари мазкур фойдали ҳашаротлар иситилган оддий хоналарда парвариш қилинарди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази раҳбари Отабек Давлетов. — Эндиликда эса биомаҳсулотларни махсус шкафларда етиштириш йўлга қўйилди. Бу усул бир қатор афзалликларга эга. Хусусан, у иссиқликни тежайди. Қолаверса, барча жараён компьютер ёрдамида назорат қилиб борилади. Ҳозирги кунда минтақадаги мавжуд 65 та биолабораториянинг 15 тасида ушбу инновацион усул жорий этилган.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Давлат музейида Тошкент ҳарбий округи ҳарбий қисмларидан бирида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ватан олдидаги шарафли бурчини намунали ўтаган аскарларга фахрий ёрлиқлар, шунингдек, қисм қўмондонлигининг таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кириш имконини берадиган тегишли тавсияномалари топширилди.

**● Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида 2014 йил якунлари ва жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими барча аъзоларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ҳамда янада мустаҳкамлаш масаласи муҳокама этилди.**

● Тошкент давлат шарқшунослик институтида битирувчилар учун "Карьера куни" деб номланган тадбир ташкил этилди. Унда мазкур ўқув йилида таълим даргоҳини тамомлаётган талабалар корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга жойлашиш учун йўлланмаларга эга бўлди.

**● "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти кенгаши ташаббуси билан Термиз давлат университетида "Ёшлар — ёт ғоя ва амалларга қарши" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда турли зарарли иллатлар, гиёҳвандликнинг оғир оқибатлари ҳақида сўз юритилди. Иштирокчиларга мавзуга оид ҳужжатли фильм намойиш қилинди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ

*Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббусига кўра, "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган ижтимоий акция аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, жойларда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.*

### Эзгуликка йўғрилган ташаббус

Мазкур ижтимоий акция барча ҳудудларда бўлгани каби **Самарқанд вилояти**нинг шаҳар ва туманларида ҳам кенг қулоч ёйди.

— Ҳафталикни аъло даражада ўтказиш мақсадида учта гуруҳ тузилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Гулноза Ҳожиметова. — Ҳар бир гуруҳда кардиолог, уролог, лор, невропатолог, стоматолог, травматолог, терапевт, офтальмолог каби мутахассислар жамланиб, аҳолининг турли қатламлари, хусусан, уруш ва меҳнат фахрийлари, хотин-қизлар, оналар ҳамда болалар кўрикдан ўтказилаяпти.

Мутахассислар Пастдарғом, Тайлоқ, Булунғур, Қўшработ, Жомбой, Самарқанд туманларига ташриф буюриб, мурожаат ва маслаҳат билан келган кишилар билан суҳбатлашишди. Таҳлил натижаларига қараб, беморларнинг қай бири уйида — амбулатория шароитида ёки вилоятдаги даволаш муассасаларида, бошқаси эса ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида даволаниши тушунтирилди. Сурункали соғломлаштиришга муҳтожлар учун махсус сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди. Бундан ташқари, ҳафталик давомида кўчма дўкон орқали дори-дармонлар рецепт асосида имтиёзли (бепул) тарқатилмоқда. Масалан, биргина Пастдарғом туманида ана шундай беморларга 8 миллион сўмлик дорилар берилди.

— Бундай ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди қўшработлик меҳнат фахрийси Абдулҳаким ота Мамарасулов. — Юртимизда инсон қадри нечоғли улуғ эканлиги мана шундай тадбирлар мисолида ҳам кўзга яққол ташланиб турибди.

Саломатлик ҳафталиги доирасидаги тадбирлар **Сурхондарё вилояти**да ҳам катта уюшқоқлик билан ташкил этилди.

— Пойтахтдан ташриф буюрган мутахассислар дастлаб Жарқўрғон туманидаги қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Холиёр Бакумов. — Малакали шифокорлар Сариосиё, Узун, Денов туманларида бўлиб, ёши улуғ кишилар, хотин-қизлар, болаларни кўрикдан ўтказишди.

— Ёшим 94 да, — дейди Денов шаҳрида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Умар Саидов. — Президентимизга кўпдан-кўп раҳмат. Мустақилликка эришганимиздан буён кексалар, аёллар ва болалар саломатлиги доимо давлатимиз эътиборида. Тошкентдан келган шифокорлар ҳаммамизни тиббий кўрикдан ўтказиб, маслаҳатлар беришди. Фуқаросини, кексаларини, аёлларини эъзозлайдиган шундай юрт яна қаерда бор?! Тажрибали шифокорлар касаллигимни бир зумда аниқлаб, ташхис қўйишди. Дори-дармон, даволанишим учун йўлланма беришди.

Бундай кенг қамровли тиббий кўрикларни вилоятнинг Шўрчи, Қумқўрғон ва бошқа туманларида ҳам ўтказиш режалаштирилган. Ўз навбатида, тадбир давомида уюштирилаётган маҳорат сабоқлари ҳудудларда фаолият юритаётган шифокорлар тажрибасини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2014 йилда мамлакатимизда тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми**

**1,2** баробар ошди.

Шунинг ҳисобидан маънавий ва жисмоний эскирган ускуналар замонавийларига алмаштирилгач, саноат тармоқларининг рақобатдошлигини янада ошириш, ички бозорни юқори сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдириш, экспортда эса тайёр маҳсулотлар улушини кўпайтириш имконияти яратилди.

# Ҳотамжон Кетмонов Андижон вилояти сайловчилари билан учрашди

*Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов 17 февраль куни Андижон вилояти сайловчилари билан учрашди.*

Тадбирда маҳаллалар аҳолиси, деҳқон хўжалиги ва оилавий корхоналар ишчилари, ЎзХДП фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, талаба ёшлар иштирок этди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси А. Нурматов йиғилганларни Ҳотамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Учрашувда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида амалга оширилган ўзгаришлар эл-юрт фаровонлигини юксалтиришнинг, иқтисодий ва ижтимоий соҳалар барқарор ривожининг муҳим омили бўлди. Йилдан-йилга шаҳарларимиз, аҳоли яшаш жойлари қиёфаси бутунлай ўзгариб бормоқда. Қишлоқларда замонавий уй-жойлар ҳамда ижтимоий инфратузилмага эга кўркам маҳаллалар пайдо бўлаяпти.

Иштирокчилар номзоднинг Сайловолди дастури билан танишдилар. Қайд этилганидек, номзоднинг Сайловолди дастури давлат ва жамиятнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашига ва манзилли ҳимоясига муҳтож аҳоли қатламлари манфаатларига жавоб берадиган вазифаларни ҳал қилишда ижтимоий тенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларига таянади. Бинобарин, ушбу Сайловолди дастурининг энг муҳим устувор йўналиши мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини янада кучайтиришга фаол кўмаклашишга қаратилгандир.

Хусусан, унда ҳудудларнинг имконият ва захираларини ишга солиш орқали, айниқса, меҳнат бозорига кириб келаётган таълим муассасалари битирувчилари учун янги иш ўринларини яратишни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни таъминлаш кўзда тутилган. Бунда касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Одамларимиз даромади ўсиши, турмуш сифати янада юксалиши учун аҳолини самарали ва манзилли ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун меҳнатга лаёқатли аҳолининг иқтисодий фаоллиги ҳамда ташаббускорлигини рағбатлантирадиган ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш зарур. Зотан, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш орқалигина одамларни самарали манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш мумкин.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва фаоллигини янада юксалтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, бандлик, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш соҳаларида давлат дастурлари амалга оширилишида фаол иштирокини янада рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар кўрилади. Бу эса “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини амалда рўёбга чиқаришга янада кўмаклашади.

Тадбирда Ҳ. Кетмонов учрашув қатнашчиларининг барча саволларига жавоб берди. Улар номзоднинг Сайловолди дастури ҳақида фикрлари, вилоятни янада ривожлантириш бўйича ўз таклифларини билдиришди.

Учрашувда “Асака” банкининг вилоят филиали бош ҳуқуқшуноси И. Солижонов, ЎзХДП Бўз тумани кенгаши раиси М. Тўйчиева, ЎзХДПнинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари М. Икромов ва бошқалар Андижон вилояти аҳолисини шу йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмоновга овоз беринг!

**ЎзХДП матбуот хизмати.**

# Акмал Саидов Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди

*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов 17 февраль куни Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.*

Тадбирларда 600 нафарга яқин жамоатчилик вакиллари, тадбиркорлар, ҳунармандлар, фермерлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда партия фаоллари қатнашди.

А. Саидовнинг ишончли вакиллари — Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги 40-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Т. Мансуров ва Тошкент давлат юридик университети доценти Ф. Муҳитдинова йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Қайд этилганидек, 23 йил муқаддам эришилган мустақиллик юртимиз тараққиётида янги уфқларни очди. Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон улкан ютуқ ҳамда марраларга эришди. Юртимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатимизни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилиш жараёнини янги босқичга олиб чиқди.

Жаҳон иқтисодиётида мураккаб жараёнлар ва салбий тенденциялар кечаётганига қарамасдан, мамлакат иқтисодиёти барқарор суръатларда ўсиб, макроиқтисодий мувозанат таъминланмоқда. Натижада халқимиз фаровонлиги юксалиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортмоқда.

Таъкидланганидек, мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўзининг кўҳна тарихини, кўп асрлик миллий давлатчилигини тиклади, иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлар қаторидан жой олди. Юртимизнинг янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлида янада олға силжиши учун жамиятда бой маънавий-ахлоқий қадриятлар, юксак ҳуқуқий ҳамда сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш зарур. Ушбу эзгу мақсадга эришиш учун дастурда етти йўналишда вазифалар белгилаб олинган бўлиб, улардан бири иқтисодиёт соҳасига қаратилган. Номзод томонидан “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни кўриш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ушбу жараённи рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари тизимини кенгайтириш, миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлардан муҳофаза қилиш, туризмни янада ривожлантириш, мазкур тармоқнинг барча йўналишини ривожлантириш учун шароит яратиш бўйича мақсадлар белгилаб олинган.

Бугун мамлакатимизда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ривожланишнинг илғор омилларини излаб топиш, янги ташқи бозорларни ўзлаштириш, ҳудудларнинг салоҳияти ва ички захираларидан унумли фойдаланиш ҳамда тўлиқ ишга солиш зарур. Бинобарин, бугунги глобаллашув шароитида дунё иқтисодиётидаги мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлигини таъминлаш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов нутқ сўзлаб, ўз Сайловолди дастури ҳар бир йўналишининг мазмун-моҳиятини атрофлича очиб берди, иштирокчилар саволларига жавоб қайтарди.

Сайловчилар билан учрашувларда Янгийўл туманидаги мактаб директори Н. Жўрабоев, халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати Н. Қорабоева, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори С. Аъзамхўжаев, Тошкент давлат техника университети кафедраси мудири Б. Эгамбердиев ҳамда бошқалар номзоднинг дастурини қўллаб-қувватлаб сўзга чиқишди.

Ҳурматли сайловчилар, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовга овоз беринг!

**«Миллий тикланиш» ДП матбуот хизмати.**

# Наримон Умаров Бухоро ва Навоий вилоятлари сайловчилари билан учрашди

*17 февраль куни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров Бухоро ва Навоий вилоятлари сайловчилари билан учрашди.*

Президентликка номзод билан учрашувларда жами 400 нафарга яқин жамоатчилик вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари аъзолари, журналистлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари — Бухоро вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи А. Турсунов ва Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактаби директори Г. Сатторова йиғилганларга Н. Умаровнинг таржимаи ҳоли ҳақида батафсил маълумот берди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон мустақиллик йилларида асрларга тенг бўлган тараққиёт марраларига эришди. Мамлакатимиз қолоқ аграр мамлакатдан замонавий бозор иқтисодиётига, мустаҳкам ижтимоий инфратузилмага эга бўлган барқарор ривожланаётган демократик давлатга айланди. Аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида ҳар йили давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳа ривожига йўналтирилмоқда.

Юртимизнинг барча соҳаларида эришаётган ютуқ ва натижалари жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилаяпти.

Учрашувлар давомида номзод ўз Сайловолди дастурининг асосий йўналишларини тақдим қилди. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда инновацион тараққиёт, яратилган моддий бойликлардан адолатли фойдаланиш, қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муҳофаза этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги ҳамда жамиятга ҳисобдорлигини ошириш Сайловолди дастурнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Қайта тикланадиган энергия манбаларини, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш электр энергияси харажатларини сезиларли даражада қисқартиради, ресурслар иқтисодини таъминлаб, маҳсулот ва хизматлар таннархининг арзонлашишига имкон беради.

Дастурда, шунингдек, фуқароларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, иш ўринлари ташкил қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами бандлигини таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган. Хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувларда Вобкент туманидаги стоматология поликлиникаси бош шифокори М. Ҳамидов, тадбиркор Ф. Қодиров, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Шофиркон тумани бўлинмаси мутахассиси З. Ашурова, Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Х. Алимов, халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати К. Бабажонов, Навоий шаҳридаги 3-оилавий поликлиника бош шифокори Ш. Асатов, Қизилтепа тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудираси Р. Аслонова Президентликка номзоднинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаб сўзга чиқди ҳамда номзоднинг Сайловолди дастури хусусида ўз фикрларини ўртоқлашди.

Бухоро ва Навоий вилоятлари аҳолиси номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан ўз мулоҳаза ҳамда таклифларини билдириб ўтди. Ўз навбатида, Наримон Умаров учрашувлар иштирокчиларининг кўплаб саволларига жавоб берди ва уларга эътибор ҳамда ишонч учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровга овоз беришга чақиради!

**«Адолат» СДП матбуот хизмати.**

ЭЪТИРОФ

*“Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди остида тақдим этилаётган маҳсулотларимиз хорижлик харидорлар меҳрини қозониб, соҳа мутахассисларининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Буни озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар “ПродЭкспо — 2015” анъанавий халқаро кўргазмаси якунлари яна бир карра тасдиқлади.*

# Ўзбекистон маҳсулотларига юксак баҳо

Гап шундаки, 65 мамлакатдан икки мингдан ортиқ фирма ва компаниялар иштирок этган мазкур тадбирда “Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси маҳсулотлари юқори баҳоланиши билан бирга, уни етказиб бериш бўйича кўплаб келишувларга эришилди. Энг асосийси, халқаро кўргазма доирасида ўтказилган “2015 йилнинг энг яхши маҳсулоти” танловида Ўзбекистон маҳсулотлари 18 та медаль билан тақдирланди. Бу истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан узумчиликни ривожлантириш, етиштирилган ҳосилни чуқур қайта ишлашни янада такомиллаштириш борасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий самарасидир.

Юртимиз иқлими қишлоқ хўжалигининг барча тармоғи, айниқса, узумчиликни ривожлантириш учун жуда қулай. Бу ерда етиштирилган мева ва узум таркибида табиий шакар, амино ҳамда органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган турдош маҳсулотлардан устун туради.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 13 мартдаги “2013 — 2015 йиллар давомида республикада узумчиликни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, айниқса, токзорларни кенгайтириш, дунё бозорида машҳур узум навлари майдонларини кўпайтириш борасидаги ишларни жадаллаштириб юборди. “Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси томонидан ушбу ҳужжат талаблари асосида янги токзорлар барпо этиш билан бир қаторда, тизимдаги корхоналар техник ва технологик жиҳатдан янгиланиб, модернизация қилинаётгани жаҳон бозорида харидоргир маҳсулотлар турини янада кўпайтириш имконини бераяпти.

— Халқаро кўргазмада “Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси 115 турдаги маҳсулоти билан иштирок этди, — дейди компаниянинг модернизация ва илғор технологияларни жорий қилиш бошқармаси бошлиғи Адолат Вострикова. — Улар ўзининг юқори сифати билан ҳаммага манзур бўлди. Бундай дейишимиз учун асослар етарли, албатта. Танловга 500 компания томонидан тақдим этилган бир минг беш юз хилдаги маҳсулот орасидан “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи туширилган бизнинг маҳсулотлар саккизта олтин, тўққизта кумуш ва битта бронза медалга муносиб кўрилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Мамлакатимиз саноатчилари қўлга киритган ушбу ютуқ рақобатдош маҳсулотларимиз ташқи бозорда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётганининг ёрқин ифодасидир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат

*Аввал хабар қилинганидек, Президентимизнинг 2014 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жойларда йигитларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатишга бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтмоқда.*



ҚАРОР ВА ИЖРО

Хусусан, Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ташкил этилган ана шундай тадбирда вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва чақирилувчиларнинг ота-оналари қатнашди.

— Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самараларини кўриб, қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлади, — дейди “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Ҳасан Нормуродов. — Бу эса пировардида миллий армиямиз нуфузи ва салоҳияти, мудофаа қудратимиз тобора юксалишига хизмат қилмоқда. Мана, биргина вилоятимиз мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида яратилган шарт-шароитларни олинг. Ҳавасга лойиқ! Тиббий комиссия хоналари энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминланган. Бу чақирилувчилар саломатлигини пухта кўрикдан ўтказишда қўл келаяпти. Қолаверса, муассасада соҳага доир ўқув-семинарлар ташкил этиш учун барча қулайлик мавжуд.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник Нодир Муқимовнинг таъкидлашича, муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларни танлов асосида саралаш жараёнида уларнинг соғлиғи, жисмоний тайёргарлиги, билими ва интеллектуал салоҳияти алоҳида эътиборга олинди. Бу эса Қуролли Кучларимиз сафини ҳар жиҳатдан етук ўғлонлар билан тўлдириш имконини бераётир.

Тантанали кузатиш маросимида муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган йигитларга ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари муваффақият тилади. Тадбир ниҳоясида юрт посбонларига эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Навоий вилоятида ҳам йигитлар муддатли ҳарбий хизматга тантанали равишда кузатилмоқда.

Жумладан, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ўтказилган ана шундай маросимда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни ислоҳ қилиш, унинг мудофаа салоҳиятини ошириш, мамлакатимиз суверенитетини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч ҳаётини асраб-авайлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

— Фарзандлар камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси, — дейди Хатирчи туманилик Ҳувайдо Шомуродова. — Бунда, айниқса, ҳарбий хизматнинг аҳамияти катта. Чунки у йигитларни тоблайдиган маҳорат ва матонат мактабидир. Шу боис ўғлим Зоҳиджоннинг ҳарбий касб эгаси бўлмоқчи эканидан жуда қувондик. Уни қўллаб-қувватладик. Пухта билим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиб бердик. Муддатли ҳарбий хизмат — бу мақсад рўёби йўлидаги илк қадам бўлди. Ўғлимнинг ўз йигитлик бурчини намунали ўтаб, армиядан юруғ юз билан қайтишига ишонамиз.

— Саралаш жараёни холислик ва ошкоралик асосида ташкил этилди, — дейди Кармана туманидан чақирилган Истам Асатуллаев. — Билимим ва жисмоний тайёргарлигимга ишонгандим. Шу сабабли ундан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга лойиқ, деб топилдим. Энди миллий армиямиз сафида намунали хизмат қилиб, билим ва маҳоратимни янада оширишга ҳаракат қиламан.

Тантанали кузатиш маросимида чақирилувчиларга эсдалик совғалари топширилди. Ижодий жамоалар ва бадиий ҳаваскорлар иштирокидаги концерт дастури тадбирга янада кўтаринкилик ва файз бағишлади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

ИНТИЛИШ

*Мамлакатимизда трикотаж маҳсулотлари тайёрловчи субъектлар сони кўпайиши билан улар ўртасида соғлом рақобат муҳити ҳам шаклланаяпти.*

# Соғлом рақобат самараси

Ўтган йили мазкур йўналишда корхона ташкил қилган пискентлик тадбиркор Бахтиёр Мираҳмедов масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратди. Талаб ва таклифни пухта ўрганган ишбилармон саноат корхоналари, шунингдек, кўп минг сонли кончилар, металлурглар учун ташқи таъсирларга чидамли махсус коржомалар тикишни йўлга қўйди.

Асосан ёшлардан иборат чеварлар жамоасининг янгича дизайн ва андозадаги ишчи либослари саноатчиларга маъқул бўлмоқда. Яқинда чеварлар мушкулини янада осон қилиш ва иш суръатини ошириш учун 175 минг АҚШ долларилик сармоя ҳисобига хориждан янги туркумдаги тикиш-бичиш дастгоҳлари келтирилди.

Таъкидлаш жоизки, 2013 — 2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида Пискент туманида 2 миллион 742 минг долларлик 12 та инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодиётимизнинг таянч бўғини. Шу боис бугун мамлакатимизда мазкур соҳани жадал ривожлантириш, ишбилармонлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бозор талабларига тезкорлик билан мослашиш, янги технологияларни жорий этиш, иш ўринлари яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг имконияти ниҳоятда катта. Бугун республикамиз истеъмол бозорида эҳтиёж юқори бўлган маҳсулотларнинг асосий қисми айнан хусусий сектор вакиллари томонидан ишлаб чиқарилаётгани, муҳими, уларнинг аксарияти рақобатбардош эканлиги ва жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб бера олиши бунинг яққол тасдиғидир.*



IPOTEKA BANK

# «Ипотека-банк»: КИЧИК БИЗНЕС УЧУН САРМОЯЛАР

*Албатта, соҳа истиқболини сармояларсиз тасаввур қилиш мушкул. Юртимиздаги молия муассасаларининг бу борада ишбилармонлар учун ишончли ҳамкор ва яқин кўмакчига айланиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир.*

*Хусусан, Президентимиз мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган йили тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин миқдордаги микрокредитлар ажратилди. Эътиборлиси, мазкур кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 39 фоиз кўпдир.*

*Чунончи, “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг ҳам бу каби муваффақиятлардаги ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Ўтган йили ушбу молия муассасаси томонидан тадбиркорларга қарийб 662,3 миллиард сўм миқдорида кредитлар берилиб, ана шу маблағлар ҳисобидан кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Жумладан, банк филиаллари орқали хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида қарийб 75 миллиард сўмлик, сервис соҳасини такомиллаштиришга эса 107 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар йўналтирилди.*

*Албатта, бугун юртдошларимиз турмуш фаровонлигининг юксалиши, аҳоли реал даромадлари ўсиши билан уларнинг замонавий хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Ўз навбатида, республикамиз барча ҳудудида бунёдкорлик ишлари ҳажми йил сайин ортиб бораяпти. Бу эса тадбиркорлик субъектлари зиммасига ана шу йўналишларда янги-янги бизнес лойиҳаларни амалга ошириш талабини қўймоқда. Мазкур жараёнда “Ипотека-банк” томонидан ажратилаётган бошланғич сармоялар тадбиркорлик тузилмаларининг оёққа туриши ва фаолиятини кенгайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлаяпти.*

*Ана шу мақсадда ўтган йили молия муассасаси ишбилармонларни умумий қиймати қарийб 161,5 миллиард сўмлик микрокредитлар билан таъминлади. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 8,3 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилди.*

*Ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Айниқса, уларнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этилиши кичик мутахассисларнинг катта ютуқларига асос бўлмоқда. Ўтган йили банк томонидан ана шундай йигит-қизларнинг қарийб 15,5 миллиард сўмлик истиқболли лойиҳалари молиялаштирилди. Бинобарин, ёш оилаларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун 10 миллиард сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилди. Бунинг ҳисобидан 15700 дан ортиқ иш ўринлари яратилиб, минглаб оилалар доимий даромад манбаига эга бўлди.*

*Айтиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида чекка ва олис қишлоқларга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Натижада ана шу ҳудудларда энг илғор технологиялар билан таъминланган ишлаб чиқариш субъектлари, замонавий хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Пировардида қишлоқ ва маҳаллаларимиз бутунлай янгича қиёфа касб этиши баробарида, бу манзилларда яшовчи аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб бораётир. Маҳаллий корхоналар ёрлиғи туширилган импорт ўрнини босувчи товарлар эса дунёнинг турли мамлакатларига экспортга чиқарилаётир. Бунда Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори дастуриламалга айланган. “Ипотека-банк” жамоаси ҳам мазкур ҳужжат ижроси доирасида соҳага йўналтирилаётган сармоялар миқдорини муттасил кўпайтириш пайидан бўлмоқда. 2014 йилда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳалар учун қарийб 162 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши натижасида жойларда кўплаб кичик корхоналар ташкил этилиб, мавжудлари тубдан модернизация қилинди. Янги-янги иш ўринлари яратилди.*

*Маълумки, жаҳонда аҳоли сони муттасил ошиб бораётгани, турли экологик муаммолар ва ноқулай об-ҳаво шароити таъсирида қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳар доим ҳам кутилганидек ҳосил олинмаяпти. Шу туфайли айрим мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги юзага келмоқда. Оқибатда одамларнинг кундалик ноз-неъматларга бўлган эҳтиёжини қондириш халқаро ҳамжамият олдига қатор долзарб вазифаларни қўяётир.*

*Эътиборлиси, юртимизда пухта ўйланган иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётгани қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг йил сайин кўпайиб боришини таъминлаяпти. Бу борада Президентимиз томонидан 2009 йил 26 январда имзоланган “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлаётир.*

*Ушбу ҳужжатга мувофиқ, “Ипотека-банк” томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашга йўналтирилган бизнес лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун қарийб 97 миллиард сўмлик кредитлар берилди. Бу эса бозорларимиз мўл-кўллиги, дастурхонларимиз тўкинлигига хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, маҳаллий тадбиркорларимиз, фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, уларнинг даромадига даромад қўшилаётир. Буни банк мижозларининг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.*

## Ҳамкорликдан мамнунмиз

Фермер хўжалигимиз ташкил этилганига ўн олти йилдан ошди. Ўттиз гектар ерда ғалла, яна шунча майдонда пахта етиштирамиз. Моддий-техника базамизни мустаҳкамлашда “Ипотека-банк”нинг Жиззах вилояти филиали томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар жуда асқатмоқда. Айтайлик, хўжалигимиз фаолият турини кенгайтириш мақсадида янги бизнес-режалар ишлаб чиққандик. Лойиҳаларимиз банк филиали мутасаддиларига маъқул келди. Кредит ажратилишини сўраб қилган мурожаатимиз қисқа фурсатда ижобий ечим топди. Бизга 100 миллион сўм миқдорида молиявий кўмак кўрсатилди. Ушбу маблағ эвазига ҳудудий дастурга киритилган, Жиззах туманидаги “Тоқчилик” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий болалар дам олиш хиёбони ва сунъий қопламали футбол майдончасини барпо этиб, ишга туширдик. Натижада қишлоқ ўғил-қизларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун шароит яратилиши баробарида, хўжалигимиз даромади ҳам ортди. Мазкур лойиҳа шарофати билан маҳаллий ёшлардан 7 нафари муқим иш жойига эга бўлди. Улардан 4 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Бундан ташқари, фермер хўжалигимиз тасарруфидаги тўй ва тантаналар мажмуаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда новвойхона ҳам аҳоли хизматида. Уларда ҳозир 63 киши иш билан банд.

“Интилганга толе ёр”, деб бежиз айтмайди халқимиз. Биз ана шу натижалар билан кифояланиб қолмоқчи эмасмиз. Келгусида зотдор чорва молларни кўпайтиришни ва иссиқхона фаолиятини йўлга қўйишни мақсад қилганмиз. Бу режаларимиз амалга ошгач, аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари, яна ўнлаб қишлоқ ёшларини эса иш жойлари билан таъминлаш имконияти юзага келади.

Ишончимиз комилки, бу борада ҳам, албатта, яқин ҳамкоримиз — “Ипотека-банк” Жиззах вилояти филиалининг молиявий кўмагига суянамиз. Негаки, мазкур муассаса жамоаси тадбиркорлар ҳамда фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш ва тегишли йўл-йўриқлар бериш борасида катта салоҳиятга эга. Бизга хизмат кўрсатаётган банк фаолиятидан кўнглимиз тўқ.

**Абдунаби АБДУРАҲМОНОВ, Жиззах вилоятидаги «Қўрғонтепа» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари.**





## Яратилаётган имкониятлар ташаббус кўрсатишга ундаяпти

Шундай ҳунарлар борки, уларни хотин-қизларимиз меҳнатисиз тасаввур этиш мушкул. Бунга тикувчилик ҳамда каштачилик мисолдир. Бугун аждодларимиздан мерос ана шу қадимий ҳунар турларини мукаммал эгаллаб, бунинг ортидан яхшигина даромад топаётган ишбилармон аёлларимиз ўз меҳнати билан ҳам оиласига, ҳам жамиятга катта наф келтирмоқда.

Энг муҳими, бундай эзгу ишларни давлатимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди. Тегишли жой, сармоялар ажратилаяпти. Муваффақиятга эришиш учун амалий тавсия ва маслаҳатлар берилмоқда.

Мен ҳам мавжуд имконият ҳамда имтиёзлардан руҳланиб, тадбиркор бўлдим. Бунинг учун эса “Ипотека-банк”нинг Хоразм вилояти филиали жамоасидан миннатдорман. Боиси, улар тикувчиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳам рўёби учун 30 миллион сўм сармоя ажратишди. Ана шу маблағдан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни йўлга қўйдик. Саккиз киши, жумладан, олти нафар коллеж битирувчисини жамоа сафига қабул қилдик. Кредит ишимизга барака киритиб, ҳозир ойига 12 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаяпмиз.

Бугун корхонамизда замонавий дастгоҳларни моҳирлик билан бошқараётган ёшларни кўриб ҳавасим келади. Уларнинг ғайрат-шижоати, билим ва салоҳияти кишига илҳом бағишлайди. Шу боис фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги йўналишлар, янги тармоқларни ташкил қилмоқчимиз. Албатта, уларда яратиладиган иш ўринларига ҳам, асосан, ёшларни таклиф этамиз. Бу ниятимизни амалга оширишда ҳам “Ипотека-банк”нинг молиявий мададига таянишни мўлжаллаганмиз.

**Гавҳар ОТАБЕКОВА, Қўшкўпир туманидаги «Фоиз» хусусий корхонаси раҳбари.**

## Буюртмачилар сафи кенгаяди

Бевосита давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларининг мунтазам қўллаб-қувватланаётгани, соҳани ривожлантириш мақсадида яратилган имтиёз ҳамда имкониятлар биз, тадбиркорларни янги марралар сари чорламоқда.

Табиийки, тадбиркорлик, энг аввало, пухта бизнес-режа, сўнг молиявий маблағ орқали шакллантирилади. Шу маънода, фаолиятимиз молия муассасалари билан чамбарчас боғлиқ.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда банк ва мижоз ўртасидаги алоқалар тобора яхшиланиб бормоқда. Яъни молия муассасасининг қулай шартларда таклиф этаётган хизматлари тури кенгаяётгани аҳолининг уларга нисбатан ишончи ҳамда қизиқиши ортишига сабаб бўлаяпти. Қолаверса, бундай хизматлар, энг аввало, мижоз манфаати устуворлигини кафолатлаётгани айни муддаодир.

Бунга бизнинг фаолиятимиз ҳам яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, уч йилдан зиёдроқ муддат аввал хусусий корхона ташкил этиб, мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдик. Ўтган даврда “Ипотека-банк” Сурхондарё вилояти филиали билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз туфайли кўплаб ютуқларни қўлга киритиб, янгидан-янги марраларга эришдик. Хусусан, мазкур молия муассасасининг 240 миллион сўмлик кредити эвазига илғор ускуналар харид қилдик. Айни пайтда биз ишлаб чиқараётган замонавий эшиклар, дераза ромлари ҳамда мебеллардан юртимизда бунёд этилаётган биноларда кенг фойдаланилмоқда. Энг муҳими, ушбу сармоя эвазига 20 та иш ўрни яратишга эришдик. Улар орасида коллежларни битирган ёшлар ҳам меҳнат қилмоқда.

Келгусида пойабзал ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Бунинг учун, албатта, банк сармоялари зарур бўлади. Биз мазкур лойиҳамизнинг ҳам амалга ошишига ишонамиз. Ахир бугун ишбилармонларнинг истиқболли ташаббуслари банк эътиборидан четда қолмаяпти.

**Жумақул БОБОҚУЛОВ, Сурхондарё вилоятидаги «Глория мебель сервис» хусусий корхонаси раҳбари.**

## Муваффақиятлар омили

Тараққиёт сари шиддат билан одимлаётган бугунги давр ҳар бир кишидан ишбилармонлик ва омилкорликни талаб қилади. Зеро, замон билан ҳамнафас инсон олдига қўйган режаларини амалга оширишга, эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришга эришади. Муҳими, ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, юртга, атрофдагиларга нафи тегади.

Биз ҳам ана шундай эзгу ниятларни дилга тугиб, тадбиркорлик соҳасида фаолият юритишга, ўз билимимиз, куч-ғайратимизни ушбу йўналишда синаб кўришга жазм этдик. Яқинларимиз билан маслаҳатлашиб, аввало, фаолият туримизни белгиладик. Маҳаллий хом ашё — пахтани қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхона очишга қарор қилиб, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Рушан текс” хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этдик.

Жамоамиз билан ҳамжиҳатликда қилган астойдил меҳнатимиз аста-секин ўз самарасини бера бошлади. Ўтган даврда мутахассисларимизнинг турдош корхоналарда тажриба ошириши масаласига алоҳида эътибор қаратиш ҳамда маҳсулотларимиз сифатини босқичма-босқич яхшилаб бориш орқали ишлаб чиқариш кўрсаткичларини янада яхшилашга эришдик. Фаолиятимизни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини оширишга йирик миқдорда сармоя зарур эди. Шу мақсадда кредит сўраб, яқин ҳамкоримиз — “Ипотека-банк”нинг “Сардор” филиалига мурожаат қилдик.

Янги лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш бўйича тақдим қилган бизнес-режамиз банк мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, маъқулланди. Натижада корхонамизга 5 йил муддатга имтиёзли шартларда 4 миллиард сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Мазкур сармоя эвазига хориждан “Rieter” русумли замонавий 2 та ип-йигирув дастгоҳини келтирдик. Зарур миқдорда хом ашё харид қилиб, толани қайта ишлаш жараёнини юқори унумли технологиялар асосида амалга ошира бошладик. Бу пировардида ишимиз самарадорлигини юксалтириш, маҳсулотларимиз сифатини янада яхшилаш ва уларни жаҳон стандарти талабларига мослаштириш имконини яратди.

Ҳозирги кунда корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотларимизни ҳам ички, ҳам ташқи бозорга етказиб бераяпмиз. Муҳими, буюртмачиларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Бу эса бизни янги марралар сари чорламоқда. Шу маънода, келгуси режаларимиз бисёр. Ўйлаймизки, уларни амалга оширишда ҳам “Ипотека-банк” бизга яқиндан кўмаклашади.

**Мустақим ТЎХТАЕВ, «Рушан текс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

## Лойиҳа ва рағбат

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ишбилармонларнинг эмин-эркин ишлашлари учун барча шарт-шароит яратилгани мазкур соҳанинг иқтисодиётимиз таянч кучига айланишини таъминламоқда. Биз ҳам шундай имкониятлардан фойдаланиб, тадбиркорликка қўл урдик. Фаолиятимизни янада кенгайтиришда “Ипотека-банк”нинг Наманган вилояти филиали томонидан ажратилган 37 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи қўл келди. Бунинг ҳисобига кунгабоқардан парранда озуқаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бинобарин, 4 та қўшимча иш ўрни яратилиб, ўтган йили 123 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришдик.

Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишни режалаштирганмиз. Бунда молиявий ҳамкоримиз — “Ипотека-банк” кредитлари муваффақиятларимизга қанот бўлиши, шубҳасиз.

**Босит АГАЛИКМИРЗАЕВ, Наманган вилоятидаги «Ravshan-Bosit Hamjihat Servis» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

**Банк материаллари асосида «Халқ сўзи» мухбири Фаррух БЎТАЕВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

# ЮРТИМИЗНИНГ БОЙ ТАРИХИЙ МЕРОСИ, ГЎЗАЛ ТАБИАТИ ХОРИЖЛИК САЙЁҲЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

*Яқинда Италияда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Италиядаги элчихонаси томонидан "Federturismo Confindustria" Италия миллий сайёҳлик федерацияси билан ўзаро ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбирда Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи, бой маданий мероси, жаҳонга машҳур маҳобатли ёдгорликлари ҳақида сўз юритилди.*

ДУНЁ НИГОҲИ



Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳудудида жаҳонга машҳур кўплаб маданий-тарихий иншоотлар мавжуд. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиздаги тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Ўзбекистоннинг бой ва бетакрор тарихий мероси, гўзал табиати ва жуғрофий жойлашуви дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳларга кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши ҳамда мароқли саёҳат қилиши учун имкон бермоқда.

Қайд этилганидек, ўтган йили БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг Самарқандда ўтказилиши Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги имкониятлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилганини тасдиқлайдиган далиллардан бири бўлди. Шунингдек, мустақиллик йилларида юртимизда сайёҳлик саноатини жаҳон андозаларига монанд равишда ривожлантириш, яъни замонавий меҳмонхоналар барпо этиш, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, сайёҳликнинг янги турлари ва йўналишларини яратиш юзасидан кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди. Биргина 2014 йилнинг ўзида халқаро сайёҳликни тараққий топтириш учун 580 миллион АҚШ долларидан зиёд сармоя киритилди.

**"Federturismo Confindustria" директори Антонио Баррека** Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон бугунги кунда бой тарих ҳамда улкан сайёҳлик салоҳиятига эга давлат эканлигини таъкидлади. "Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарлар, шубҳасиз, Буюк Ипак йўлининг ганжиналаридирки, шу боис улар эртаклардагидек дунёнинг барча мамлакатидан сайёҳлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда", деди у.

Тақдимот иштирокчилари эътиборига Марказий Осиёдаги энг йирик авиакомпаниялардан бири — ўзининг замонавий авиапаркига эга бўлган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотлар ҳам ҳавола қилинди. Италиялик қатнашчилар эътироф этганидек, Рим ва Милан шаҳарлари билан Тошкент ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновларининг мавжудлиги нафақат Италия, балки бутун Европа минтақасидаги саёҳат ишқибозларини Ўзбекистонга янада яқинлаштирмоқда.

**«Жаҳон» АА.**
Рим

Маданият хабарлари



*Ғиждувонлик таниқли ҳунарманд Абдулла Нарзуллаев ўн йил давомида олиб борган изланишларидан сўнг сопол буюмлар сиртига ишлов беришнинг қадимий усулини қайта тиклади.*

## Қадимий усулни қайта тиклаган кулол

— Ҳозир кулолликда, асосан, оқ қўрғошин қўшилган сирдан фойдаланилади, — дейди ҳунарманд. — Ваҳолонки, илгари ота-боболаримиз бу хом ашёни тайёрлашнинг табиий усулларидан ҳам хабардор бўлишган. Биз шундан келиб чиқиб, осориатиқаларни, уларнинг, асрлар ўтсада, ёрқин товланиши сир-синоатини ўргандик, тажрибалар ўтказдик. Туятовон, қирқбўғим, балиқкўзи каби бутасимон ўсимликлар танасини куйдириб, унинг кулига оқтош қўшдик. Ҳосил бўлган моддани хумдонда 1100 даража ҳароратда пиширдик. Кейин уни тегирмондан ўтказиб, сув қўшдик. Натижада зарур қоришма юзага келди. Бундай сир билан ишлов берилганда, сопол буюмлар ранги янада ёрқинлашади, жилоси ўзгача бўлади, табиийлик яққол сезилиб туради.

Биз қайта тиклаган бу усул кошинкорликда ҳам жуда қўл келади. Негаки, қадимий обидаларни таъмирлашда фойдаланиладиган кошинлар юзасига шундай сир билан ишлов берилса, улар йиллар давомида оҳорини йўқотмайди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Жиззах вилояти мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг "Хотирам синиқлари" достони асосида Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев томонидан саҳналаштирилган "Ёдим синиқлари" спектакли намойиш этилди.*

## Ибрат мактаби

Тадбир аввалида шоиранинг адабиётимизда тутган ўрни ҳақида сўз юритилиб, унинг асарлари, ҳаёт йўли ёш ижодкорлар, айниқса, қизларимиз учун ибрат мактабига айлангани таъкидланди. Ҳаёти ва фаолияти Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғулари билан йўғрилган бетакрор истеъдод эгасининг саҳнада яратилган ёрқин сиймоси томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Айтиш жоизки, ушбу саҳна асари халқимизни шоира ҳаёти ва ижоди билан янада яқиндан таништиришда муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда вилоятнинг шаҳар ва қишлоқлари, ўқув муассасаларида ҳам шоира ижодига бағишланган адабий-бадиий кечалар давом этмоқда.

**Тоҳир ДЎСТМУҲАМЕДОВ.**

## Суратларда акс этган қадрият

*Тошкент Фотосуратлар уйида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган кўргазма ташкил этилди.*

Экспозициядан ўрин олган фотоасарларда юртимизда ёши улуғ кишиларни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш борасидаги ишлар энг эзгу анъаналаримиздан экани акс эттирилган. Хусусан, кўргазмада Абдуғани Жумаев, Рустам Шарипов, Владимир Шлосберг, Рустам Шагаев, Ҳусниддин Атоев, Ҳасан Пайдоев, Аъло Абдуллаев, Сарвар Ўрмонов каби ижодкорларнинг пиру бадавлат отахон ва онахонларимизнинг ибратли ҳаёт йўллари акс эттирилган саксондан зиёд лавҳалари намойиш этилаяпти.

**Моҳира АДИЗОВА.**


● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

AGROBANK

«Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг «Фаровонлик» пул-буюм ютуқли, тиражли лотереялари шартларига асосан, ютуқли билетлар ютуқлар тиражи ўтказилган кундан бошлаб 100 (юз) кун муддат ичида тўловга қабул қилинади. Банкнинг филиаллари томонидан ютуқли лотерея билетларини қабул қилишнинг сўнгги санаси 2015 йил 6 апрель ҳисобланади ҳамда 2015 йил 7 апрелдан бошлаб лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
(0-371) 273-03-04, 150-85-12.

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган.

237R/138

O'ZSANOATQURILISHBANK

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан стратегик инвесторларга таклиф.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

**«Elite Stars Textile» МЧЖ** — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
**Корхона манзили:** Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.

**«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ** — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
**Корхона манзили:** Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

**«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ** — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
**Корхона манзили:** Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

**Маълумот олиш учун АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 120-36-04, (+99895) 199-29-36.**
**Факс: (0-371) 120-45-64, 120-36-29.**
**E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz**

110M/70

«Universal realtor» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 январдаги 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронкўл кўчаси, 84-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 1448 кв.м.дан иборат бўлган тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 357 973 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 23 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 20 март куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк объекти билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш манзили:**
**100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй.**
**Телефон (0-371) 150-35-55.**
**www.realtor.uz**
**E-mail: universal.realtor@mail.ru**

239R/19 Хизматлар лицензияланган.

«Қибрай» клиник санаторийси



юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.

Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

*Манзилимиз:*
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
*Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.*

02R/955

амкодор

ИП ООО «AMKODOR-TASHKENT»
официальный дистрибьютор холдинга «АМКОДОР» в Республике Узбекистан

погрузчики фронтальные и универсальные
погрузчики с бортовым поворотом, ямобуры
автогрейдеры и землевозы
катки самоходные вибрационные



БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

экскаваторы-погрузчики
экскаваторы
машины фрезерные, траншеекопатели
вилочные авто- и электропогрузчики



Товар сертифицирован

Тел./факс: (0-371) 283-42-18, 283-42-17. Моб.: (+998 94) 669-29-71, (+998 95) 169-42-18, 169-42-19.
Республика Узбекистан, 100005, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57, e-mail: ajle@mail.ru, www.amkodor.by

61R/37

ТАШКИЛОТ

*қуйидаги турдаги ускуналарни етказиб бериш бўйича дастлабки танловни эълон қилади:*

- технологик;
- электротехник;
- ёнғин хавфсизлиги;
- ўлчов-текширув.

*Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй, 3-қават, 55-хона.*
*Тел./факс: (0-371) 241-27-61.*
*E-mail: sueq@infoport.uz*

208A/126


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси кимё фанлари доктори, профессор, бош илмий ходим

**Хуснутдин Мухитович**
**ШОХИДОЯТОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Араб филологияси кафедраси катта ўқитувчиси Ширин Зайнутдиновага падари бузруквори

**Иргаш ХОЖИМЕТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 150 629 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.35 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5